O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № 11299

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 11 ноябр пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 223 (2261)

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш. Бобохонов ўриндошлик асосида Баҳрайн Давлати Амири шайх Ҳамад бин Исо бин Салмон Ол Халифага ишонч ёрлиғини топширди.

Ёрлиқ топшириш маросимидан сўнг Ўзбекистон элчиси билан Баҳрайн Давлати Амири шайх Ҳамад бин Исо бин Салмон Ол Халифа ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Баҳрайн Давлати ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ, сармоялар киритиш, туризм, маркетинг ва банк соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

**«Жаҳон» АА.**

**ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:**

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



***9 ноябр. Пекин. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Эрталаб Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гул қўйди.***

Давлатимиз раҳбари "Гугун" император саройини ҳам зиёрат қилди. Бу мажмуа Пекиндаги ва умуман, Хитойдаги энг диққаттортар маконлардан саналади. Ўз даврида у ерда йигирмадан ортиқ император яшаган. Қўрғон шаклидаги бу шаҳарчада юзлаб бинолар бор. Президент Ислом Каримов императорлар ҳаёти, фаолияти, турмуш тарзи, сарой анъаналари билан танишди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз "Дяоюйтай" қароргоҳида ХХР ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазири Ши Гуаншен ҳамда Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бугунги даражаси икки давлатнинг имконият, салоҳият ва истагига уйғун эмаслиги қайд этилди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқ ҳажмини ошириш масалаларини муҳокама қилди. Хитойлик ишбилармонлар Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтиришга тайёрлигини билдирди. Мулоқот чоғида амалдаги лойиҳалар ижроси кўриб чиқилди, янгиларини тузиш бўйича фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Хитойдаги йирик ахборот агентлиги —"Синхуа" мухбирларига интервью берди. У саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур ташриф, Хитой-Ўзбекистон алоқалари, Буюк Ипак йўлини тиклаш, халқаро терроргчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик каби қатор мавзуларга тўхталди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Халқ йиғини уйига борди. У ерда Ислом Каримовнинг Бутунхитой халқ вакиллари йиғини доимий қўмитаси раиси Ли Пэн билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Хитой парламенти раиси Ли Пэн номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди.

Эртага Президент Ислом Каримовнинг ХХР Бош вазири Чжу Жунцзи билан учрашуви режалаштирилган.

**(ЎзА)**

***9 ноябр. Пекин. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). ХХР раиси Цзян Цзэмин мамлакатимиз ҳақида сўзлар экан, шу гапни алоҳида таъкидлади:***

### "ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЮҚОРИ МАВҚЕГА ЭГА"

"Яқин дўстлик ва қўшничилик алоқаларини ривожлантириш минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда дунё миқёсида ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади", деди Хитой раҳбари Ўзбекистон сиёсатига баҳо берар экан.

Пекинда Президент Ислом Каримов билан учрашганидан кейин, ХХР раиси Ўзбекистон раҳбарининг икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори эканини таъкидлади ва бу борадаги хизматларига юқори баҳо берди.

Бугун Хитой матбуотининг асосий диққат-эътибори Президент Каримовнинг ташрифига қаратилган. "Чайна дейли" газетаси, масалан, "Хитой билан Ўзбекистон имкониятларни бирлаштиряпти" сарлавҳаси остида Президентимизнинг ташрифига оид батафсил мақола чоп этган. Унда дастлабки музокаралар, улар натижасида эришилган келишувлар ҳақида ҳам сўз боради.

**(ЎзА)**

***Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8-10 ноябр кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.***

Ушбу ташриф асносида давлатларимиз ўртасида тўққизта ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар сиёсат ва иқтисодиётдан то маданият, почта ва телекоммуникациягача бўлган жуда кўп соҳаларни қамраган. Пекинда Президентимизнинг ташрифига катта эътибор қаратилди. Бу давлатимиз раҳбарининг Хитойга учинчи сафари эди. Илгариги ташрифлар ҳам икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиққан. Бинобарин, Ислом Каримов илк бошдаёқ мазкур сафар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғоналарга кўтаришига умид билдирди. Икки давлат раҳбарлари суҳбатлари давомида ўзаро алоқаларни янада яхшилаш учун бор имкониятдан тўла фойдаланишга келишиб олди.

Томонларнинг қарийб барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикри бир жойдан чиққанини шундан билиш мумкинки, ХХР раҳбари Цзян Цзэмин, ташриф дастури доирасидан ташқари, яна алоҳида учрашув ўтказиш таклифини билдирди. Сафарнинг учинчи куни ХХР раисининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг мулоқоти давом эттирилди. Айтишларича, Хитойда айни ташриф чоғида айни раҳбар билан икки марта, бунинг устига давлат раҳбарининг қароргоҳида алоҳида учрашиш ҳолати ҳали кузатилмаган экан. Бу, албатта, Ўзбекистон Президентига эҳтиром ва ишонч, давлатимиз ва халқимизга қизиқиш, интилиш ва юксак ҳурмат белгисидир.

Энди давлатлараро муносабатларда асосий мезонлардан бири бўлган савдо-иқтисодий алоқалар хусусида.

Бу борада алоҳида қайд этиладиган муҳим жиҳат бор. Хитой, гарчи у БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлса-да, ривожланаётган давлатлар сирасига киради ва табиийки, биринчи навбатда сармоя чиқаришга эмас, аксинча, киритишга интилади. Мамлакатда дунёнинг етакчи фирма ва компаниялари билан кўплаб қўшма корхоналар тузилган, ё яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Қарийб барча соҳага хориждан илғор технология жалб қилиняпти. ХХР ўзининг 1,25 миллиардлик нуфуси билангина эмас, иқтисодий қудрати билан ҳам эътиборлидир. Сўнгги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш йилига 8-10 фоизни ташкил этяпти. Дунё бўйича хорижий сармоянинг қарийб 20-22 фоизи Хитойга киритиляпти. Бу жуда катта кўрсаткичдир. Лекин Хитойнинг ўзи ҳозирча хорижга сармоя чиқариш учун унчалик катта имкониятга эга эмас. Айни ҳолатни Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Биз хорижий сармоя жалб қилишга, янгидан-янги технологияларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ишлаб чиқариш тизими, техника янгиланмоқда. Лекин Ўзбекистонда кечаётган бу жараёнда Хитойнинг ҳиссаси, афсуски, имконият даражасидан анча паст. Президентимизнинг ХХРга буюрган ташрифи чоғида бу гап бир неча бор алоҳида таъкидланди.

Аслида Ўзбекистон ўз минтақасида, Хитой эса Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиёдаги марказий давлатлардир. Хитойнинг бирор компанияси Марказий Осиёда иш юритишни истаса, буни Ўзбекистондан бошлагани анча қулай.

Бунинг сабабини қуйидаги рақамлар билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш йилига 3-4 фоизни ташкил этяпти. Хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит ва жорий қилинган имтиёзлар ҳам беқиёс. Ўзбекистон тўлов қобилиятига эга бўлган, сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаётган давлатдир.

Шундай экан, истаган соҳада, аввало, табиийки, иқтисодиёт таянчи ҳисобланган асосий тармоқларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш икки томон учун ҳам бирдек фойдали. Бунга мисол сифатида машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, агротехника, қурилиш, телекоммуникация соҳалари, кимё ва енгил саноатни айтиш мумкин.

Масалан, Хитой Ўзбекистондан йигирмага яқин ИЛ-76 русумли самолёт сотиб олиш ниятида. Бу ҳақда шартнома ҳам имзоланган. Лекин бу миқдор кам. Зеро, ИЛ-76нинг бошқа мамлакатлар, жумладан, Форс кўрфази, Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ, кўплаб Африка давлатларида ҳам бозори чаққон. Авиацияда у билан рақобатлаша оладиган самолёт жуда кам. Ўзбекистон маҳсулотининг эса баҳоси ҳам, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатиш нархи ҳам нисбатан арзон.

Айни гапни автомобилсозлик бўйича ҳам айтиш мумкин. Бизнинг "Нексия"лар Хитой бозорида анча қиммат. Хитой томони ўзбек автомобилларининг нархи, сотилгандан кейин кўрсатиладиган хизмат арзонлаштирилса, уни катта миқдорда импорт қилишга истак билдирди. Лекин бу ерда бошқа — бож масаласи ҳам бор. ХХР ўз қўшнилари — Қозоғистон ва Россия билан бож тарифларини маълум фоиз қисқартиришга келишган. Бу, албатта, бозор иқтисодиётининг қонун-қоидасига уйғун. Лекин теранроқ назар ташласак, Ўзбекистон ҳам Хитой учун қарийб қўшни давлат. Агар давлатларимиз ўртасида бож тарифларини қисқартиришга келишилса, нафақат "Нексия"нинг, бошқа товарларнинг ҳам баҳоси нисбатан арзонлашади.

Музокараларда Ислом Каримов шундай амалий таклифларни илгари сурди. Хитой томони уларни қўллаб-қувватлади.

Яна бир тўхталиш жоиз бўлган масала агротехникага тааллуқли. Ўзбекистонда Хитой минитракторлари синовдан муваффақиятли ўтди. Табиийки, энди бу соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш керак. Хитой ҳукумати бу борадаги лойиҳа ижроси учун 100 миллион юан ажратишга қарор қилди. Яъни Хитой тракторларининг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилишига келишилди.

Хитой ташқи сиёсати борасида гап кетганида, унинг Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган талай таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаганини таъкидламоқ керак. Масалан, Президентимизнинг "Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона" деб эълон қилиш ва Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича "Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари"дан иборат "6+2" гуруҳини тузиш ташаббусларини айтиш мумкин. "Ядродан холи зона" ғояси Хитой томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. "6+2"да ҳам у бевосита иштирок этяпти.

Хитой ҳам Ўзбекистон каби улкан тарих, маданий мерос, осори-атиқаларга бой давлат. Президент Ислом Каримов Пекинга ташрифи чоғида зиёрат қилган "Гугун" император саройининг ўзи ажойиб тарихий ва маданий меросдир. Саройни кузатар экан, киши ёдига беихтиёр Самарқанддаги муҳташам Регистон мажмуи, Бухородаги пурвиқор Арк ё мафтункор Ситораи Моҳи Хосса, Хивадаги Ичон қалъа тушади.

Булар тарихимиз, маданиятимиз муштарак жиҳатларга эга эканлигидан далолат беради. "Шарқ фалсафаси", "Шарқ маданияти", "Шарқ анъаналари" деганда, ҳам ўзбек, ҳам хитойнинг қадриятлари назарга олинишини бундай мисолларда ҳис этиш мумкин.

Улардан қандай самарали фойдаланиш мумкин? Табиийки, маданият ва санъат, тарих ва бошқа соҳаларда ўзаро ахборот, билим ва тажриба алмашувни кенг йўлга қўйиш керак. Бу сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам катта туртки бўлади. Масалан, қадим Буюк Ипак йўлини олайлик. Қадимда бу робита неча-неча мамлакатларни боғлаган. Ҳозирги шароитда у тўла қувват билан "ишласа", яъни автомобил йўли ва темир йўл тўла қурилиб ё таъмирланиб ишга тушса, дунё иқтисодиётидаги вазият ўзгаришига шубҳа йўқ. Оддий мисол, экспортчи давлат саналувчи Хитой учун Қора денгиз, Каспий денгизи, Форс кўрфазига йўл очилади. Ўзбекистон ҳам Европа Иттифоқи давлатларидан то Хитойнинг олис портларигача етадиган осон ва арзон транспорт йўлига эга бўлади. Умуман, Буюк Ипак йўли тўла қувват билан қайта ишга туширилса, унинг бўйидаги барча мамлакатлар фойда кўради...

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яна бир хорижий сафари якунланди. Ташриф асносида томонлар нафақат икки томонлама алоқаларни қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг қамровини янада кенгайтириш, ривожлантиришга келишиб олдилар. Бу эса ташрифнинг асосий мақсадларидан бири эди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Пекин-Тошкент.**

**СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

**1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди. Мажлисни мазкур комиссия раиси Н.Комилов бошқарди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб боришларида қўшимча шароит яратиб бериш ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг Йўриқномалари тасдиқланди.

Мажлисда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилаётган сайловлар жараёни муҳим босқичга кирганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу босқич, айниқса, сайловолди ташвиқотларини Қонун асосида, адолатли тарзда ташкил қилиш ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш билан характерлидир. Депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини юритишда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига қатъий риоя этишлари шарт. Амалдаги Қонунга мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланди. Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, шунингдек, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклдаги учрашувларни ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Мажлисда Олий Мажлис депутатлигига номзодларга ишончли вакилларни танлаш, улар фаолиятини тўғри ташкил этиш борасида Қонунда кўрсатилган барча талабларга оғишмай амал қилиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан Жиззах ва Сирдарё вилоят ҳокимликларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

**(ЎзА)**

## ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларида сайлов округлари комиссиялари аъзолари, фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳалла раислари иштирокида ўтказилган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган семинар-кенгашларнинг фойдаси катта бўлди.

Айниқса, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Урганч шаҳридаги 204-Абулғози Баҳодирхон сайлов округидаги семинар-кенгаш сайлов округлари ҳамда участкалари раҳбарларининг, шунингдек, оддий сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят сайлов комиссияси аъзолари, ҳуқуқ ва тарғибот маркази ходимлари анжуман иштирокчиларининг қатор саволларига жавоб қайтардилар.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 205-Хива, 206-Ичон қалъа, 201-Гурлан, 215-Янгиариқ сайлов округлари сайлов комиссиялари фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Уларга ажратилган бинолар олдидаги манзилгоҳ кўрсаткичлари, назарга ярқ этиб ташланувчи кўргазмали воситалар сайловчиларни бефарқ қолдирмайди.

Комиссия ишлаши учун ажратилган бино ва хоналар замонавий алоқа воситалари, техник-ёзув ускуналари, компьютер, факс, нусха кўчириш аппаратлари, сайловларни ўтказишга оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, зарурий йўриқномалар билан таъминланган.

Сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларини талаблар даражасида олиб бориш мақсадида Матбуот маркази иш бошланганлиги айни муддао бўлди. У ўзининг қатъий иш режаси асосида шу пайтгача бир неча матбуот конференциялари ўтказди. Матбуот маркази, шунингдек, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Сайлов ва ёшлар», «Мен ўз келажагим учун овоз бераман» мавзуларида учрашув ўтказишни режалаштирган.

Маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказувчи округларда ҳам ишлар авжида. Навбатчилик ташкил этилган. Урганч шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи 23-Истиқлол сайлов округи ҳудудидаги сайлов участкасида унинг раиси Қодир Бобожоновни ёшлар даврасида учратдик. У биринчи марта овоз беришга шайланаётган йигит-қизларга мамлакатимизда сайловлар ҳар томонлама қонунийлик, адолат асосида ўтказилаётгани, халқимизнинг мустақиллик туфайли ушалган орзулари, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари тўғрисида завқ билан гапириб бераётган экан.

Сайловларга ҳозирлик янада қизғин ва масъулиятли паллага кирганлигини вилоят аҳли чуқур ҳис этмоқда. Рўйхатга олинган номзодларнинг тарғиботи тенглик ва одиллик асосида бошлаб юборилди.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тожикистон халқи ўз иродасини ифода этди — И.Раҳмонов Тожикистон Президенти лавозимига қайта сайланди

У ўз Ватанини жангари ва терроргчилардан тозаламоқчи. Сайлов натижаларининг таҳлили шундан далолат берадики, Президентнинг айни мана шу мақсади учун тожик халқи унга яна бир бор ишонч билдирди.

Яқинда Қирғизистон жанубида содир бўлган терроргчилик ҳаракатлари Ўзбекистон жамоатчилигининг ғазабини қўзғади. Ҳозир халқимиз Тожикистоннинг шарқий туманларидаги вазиятни диққат билан кузатиб турибди. У ерда бир неча ойдан буён ўрнашиб олган жангари ва терроргчилар Марказий Осиёнинг миллионлаб аҳолисининг тинч ва осойишта ҳаётига раҳна солмоқда. Токи қўшни давлатда барқарорлигимизга хавф сақланиб турар экан, биз хотиржам яшай олмаймиз.

Бугунги кунда минтақамизнинг ҳар бир соғлом фикрловчи фуқароси шу нарсани яхши англайдики, қаердан озиқланаётган бўлишидан қатъи назар, терроргчиларнинг илдизини қирқиб ташламас эканмиз, биз ва фарзандларимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги таъминланмайди.

Ўтган шанба, 6 ноябр куни Тожикистонда ўта муҳим воқеа содир бўлди. Унинг натижалари келгуси етти йил давомида мамлакатнинг сиёсий майдонида кучларнинг жойлашувига, ижтимоий-сиёсий тараққиётга бевосита таъсир кўрсатиб, жанубий қўшнимизнинг ташқи сиёсати йўналишини белгилаб беради. У ерда президентлик сайловлари бўлиб ўтди ва Имомали Раҳмонов иккинчи муддатга мамлакат президенти этиб сайланди.

Тожикистонда президентлик сайлови мобайнида тинчлик жараёни хавф остида қолди. Сайлов муддати яқинлашгани сайин Бирлашган тожик мухолифати мамлакатдаги сиёсий вазиятни янада кескинлаштирди. Мухолифат Мажлиси Олийнинг фавқулодда сессияси чақирилиши ва президентлик сайлови муддатининг кўчирилишини талаб қилди.

Бу талабларни президентликка С.Қувватов ва С.Тўраевнинг номзодларини кўрсатган Тожикистон Демократик партияси ҳамда "Адолат" партияси қўллаб-қувватлади. Бироқ ушбу партиялар етакчилари бу масала бўйича ўзларининг Тожикистон Ислом Уйғониш партияси билан ҳамфикрлигини тактик хусусиятга эга эканлиги билан изоҳлади. Уларнинг дастурлари эса Тожикистон Ислом Уйғониш партияси мақсади ва вазифаларидан тубдан фарқ қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, айнан президентлик сайлови Тожикистон Ислом Уйғониш партияси ва Бирлашган тожик мухолифати раҳбарияти ўртасида ихтилоф туғдирди. Бу воқеалар икки сиёсий ташкилот етакчиси С.А.Нурийнинг 15 октябрда эълон қилган кескин баёнотидан бошланди. У президентлик сайлови муддатини ўзгартиришни талаб этиб, акс ҳолда жорий йилнинг 18 октябригача мухолифат вакиллари Миллий келишув комиссияси таркибидан чиқади, дея пўписа қилди.

С.А.Нурийнинг ушбу баёноти мухолифатнинг кўпгина соғлом фикрли вакилларини ўзларининг Бирлашган тожик мухолифатига /БТМ/ бўлган муносабатини қайта кўриб, унинг таркибидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Мухолифатнинг яна бир таниқли етакчиси Х.Тўражонзода юқоридаги баёнот анчагина масъулиятсиз даражада берилгани ҳамда раҳбариятнинг фикрини тўла акс эттирмаслиги ҳақида гапирди. Шунингдек, у БТМнинг ўз вакилларини Миллий Ярашув Комиссиясидан чақириб олиши ва президентлик сайловини бойкот қилиш ҳақидаги қарорини мутлақо қўллаб-қувватламаслигини билдирди.

(Давоми 2-бетда).

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" деб номланган китобида ўртага қўйилган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик тамойилларини изчил равишда татбиқ этиш борасидаги тадбирлар" тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республика Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ходимлари иштирок этди.

Суҳбат чоғида бу борада муайян ишлар амалга оширилганини таъкидланди. Айни пайтда касаба уюшмалари тизимида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида кўтарилаётган долзарб масалаларни зудлик билан ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

# Адолатли сайловлар — демократия кўзгуси!

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

## ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

1991 йил 31 август — Ватанимиз Мустақиллигининг эълон қилиниши тарихдаги буюк бурилишдир. Авлод-аждодларимиз орзу-истаклари амалга ошди. Жаҳон харитасида янги Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

XIX асрнинг учинчи чорагида Россия империяси мустамлакачилик зулми, 1917 йилги октябр тўнтаришидан кейин эса, коммунистларнинг ҳукмронлиги остида ўз мустақил давлати, маданияти, маънавияти каби эркин ва озод инсон учун зарур бўлган қадриятлардан маҳрум этилган ўзбек халқининг қонуний миллий ҳуқуқи яна қайтадан тикланди. У ўз мустақил давлати, асос ҳақ-ҳуқуқлари, овози, эрки, руҳининг тугал соҳибига айланди.

80-йилларнинг охири — 90-йилларнинг бошида Президент Ислом Каримов бошчилигида собиқ Иттифоқдан мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиш учун ҳаракат пайдо бўлди. Ислом Каримовнинг изчил, дадил сиёсати марказнинг мустамлакачилик сиёсатини сақлаб қолиш, уринишларига қарши олиб борган мардона курашлари натижаси ўлароқ, ҳали Иттифоқ давридаёқ Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўли, миллий давлат манфаатларидан келиб чиққан ички ва ташқи сиёсати шаклланди.

Миллий истиқлол мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиб берди. Тарихан қисқа даврда демократик институтлар шаклланди, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш учун ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароит етилиб келмоқда.

Республикада муҳим аҳамият касб этган ижтимоий барқарорлик, миллатлараро аҳиллик, тинчлик каби қадриятлар асосида мамлакатимизда ислоҳотлар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Ривожланишнинг «Ўзбекистон модели» жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинмоқда.

Мустақил миллий давлатчиликни оёққа бостириш, ноёб маънавий сиёсатнинг — миллий уйғонишнинг маҳсули сифатида 1995 йилнинг ўрталарида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топди.

Партия теран миллий руҳ ва дунёқарашга эга бўлган, миллий ўз-ўзини англашга интилаётган, руҳан, қалбан, амалан ватанпарварлик ғояларини ифода этаётган, сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўзини ўзи бошқаришга интилаётган, миллий бирлик ва миллий тикланишни пировард ҳаётий мақсадлари деб ифода этаётган фуқароларнинг қарашлари ва манфаатларини муштарак этган сиёсий ташкилот сифатида туғилди.

«Миллий тикланиш» партияси жамиятнинг зиёлилар, миллий тараққиёт йўлидан бораётган мулкдор ва талбиркорлар, ижодий фаолият билан машғул интеллектуал соҳа вакиллари, истиқлол ғоясига берилган ёшлар — талабалар, ўқувчилар, халқчил анъаналарни минг йиллардан буён асраб, ўз қарашларида миллий манфаатларни ифодалаб келаётган қишлоқ аҳли ва бошқа партияга хайрихоҳ ижтимоий табақаларнинг қарашлари, масалалари, манфаатлари ва мақсадларини уйғунлаштирувчи оқим ва сиёсий куч сифатида расмийлашди.

**а) Сиёсий мақсадлар:**

Партия мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш тарафдоридир. Партия ана шу мақсадлар доирасида Ўзбекистонда миллий демократик давлат барпо этиш концепциясига асосланади. Уни амалга ошириш халқнинг миллий тикланиши билан уйғун кечиши кўзда тутилади.

Ҳозирги даврда мамлакатда миллий тикланишнинг дастлабки босқичи — замонавий давлат барпо этиш жараёни билан боғлиқ ислоҳотлар давом этмоқда. Партия эндиги долзарб вазифалар жамиятдаги миллий қурилиш жараёнларини янада авж олдириш ва чуқурлаштириш, деб билади.

Бу босқичда жамият аъзоларида миллий ўзликни англаш, халқнинг янада маънавий, маданий ва ижтимоий уйғунлашуви, миллий истиқлол мафкурасининг халқнинг умумий дунёқараши сифатида ифодаланиши, миллат дунёқараши ва руҳининг эски тоталитар асоратлардан покланиши, унинг миллий уйғониши жараёнлари янада камолга етиши кутилади. Шунингдек, бу босқичда ўрта мулкдорлар табақасининг қувватга кириши, ҳозирги замон технологияларининг иш жараёнларида янги малакали ишчи ва хизматчилар тоифасининг ижтимоий табақалар сифатида шаклланиши, таълим ва маърифатнинг авж олиши, эркин оммавий коммуникация — ахборот воситаларининг дунёдаги илғор мамлакатлар даражасига етиши, фуқароларда мутелик ва пассивлик руҳиятининг барҳам топиши, давлат органлари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг демократик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиши, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда кенг ва фаол иштироки кучаяди.

Партия фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишини ҳозирги давр миллий тикланишининг муҳим белгиларидан бири деб билади.

Партиянинг бош сиёсий мақсадларидан бири — фуқаролик жамияти доирасида либерал демократияни ривожлантиришдир. Уни амалга ошириш учун партия фуқароларнинг самарали қатнашуви, қарорлар қабул қилишда уларнинг тенглиги ва фаоллигини таъминлаш, халқ сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳокимият органлари фаолияти устидан фуқаролар ва жамоат ташкилотлари назоратини ўрнатиш каби демократик қадриятларни ҳаёт таомилларига айлантиришга интилади.

Партия жамиятни қонунлар бошқариши, ҳокимият органлари эса қонунларни амалий жиҳатлардан ишлашини назорат қилиш анъаналарини ўрнатиш воситасидагина фуқароларнинг сиёсий эркинлигини таъминлаш мумкин, деб ҳисоблайди. Фақат демократик жамиятдагина шахс ривожланиши, ўз ҳаётининг эркин эгаси бўлиши, доим камолотга интилиб бориш имкониятини қозониши кутилади.

Миллий ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш учун фуқароларнинг ташаббускор, фидоий, қонун ва жамият олдида масъуллиги, сиёсий жараёнларда эркин, ихтиёрий ва фаол иштирок этиши талаб қилинади. Бундай қадриятлар ва фазилатлар фақат эркин, мустақил фикрловчи, маънавий бой, миллий руҳиятга эга ғайратли фуқаролардагина шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам партия шахснинг эркинлиги, фуқаролар қарашларининг ва мафкураларнинг плюрализми тарафдоридир.

Шу мақсадларда партия фуқароларнинг давлатни бошқариш ва жамоатчилик фаолиятида кенг ва фаол иштирок этишига, демократик сайлов, жамоат ташкилотларига уюшиш, эркин ахборотлар олиш ҳуқуқларини амалий жиҳатлардан сақланишига, сўз, фикрлаш, матбуот, виждон ва эътиқод эркинликларини демократик жамиятларга хос тарзда ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга интилади.

Партия Ўзбекистон жамиятида БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» ва «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг тўла рўёбга чиқиши тарафдоридир ва партия ўзининг фаолиятини ана шу эзгу мақсадларни амалга оширишга бағишлайди. Шу мақсадларда партия илғор ва етук демократик мамлакатлардаги сиёсий плюрализм, ижтимоий муносабатларни демократлаштириш тажрибаларини ўрганади ва уларни мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳаётда қўллашга ҳаракат қилади.

**б) Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир мақсадлар:**

«Миллий тикланиш» партияси миллатнинг баркамоллиги ва фаровонлиги манбаи хусусий мулкка эга бўлиш ва эркин тадбиркорлик ҳамда ишбилармонликни ривожлантириш, унга имкон ва шарт-шароитлар яратишга қодир солиқ сиёсатини қўллаш, деб билади. Шунингдек, ҳар бир фуқаро Конституциямизда мустаҳкамланганн каби эркин меҳнат қилиш, меҳнат фаолиятини танлаш, меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитларига эга бўлиш, меҳнат ҳақининг кафолатланган ҳажмларига эга бўлиш ҳуқуқи билан таъминланиши партиянинг дастурий мақсадларидандир.

Партия жамият барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни амалга оширишга хизмат қиладиган, кескин. мулкий тенгсизликларни келтириб чиқармайдиган мутаносиб, одил солиқлар сиёсати тарафдоридир. Даромадларни тақсимлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини юритишда партия ижтимоий ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ҳаракат қилади. Ҳар бир фуқаронинг ижтимоий таъминланганлиги, унинг ўз уйи, қулай ва табиий шароитга эга бўлиши, соғлиги ва саломатлигининг ишончли муҳофаза қилиниши, шунингдек, маънавий ривожланиш учун таълим олиш, маданий қадриятлардан фойдаланиш, бадиий ва техникавий ижодкорлик билан шуғулланиш ҳуқуқлари амалда ўз ифодасини топиши партиянинг муҳим дастурий вазифаларидандир.

Партия ҳар бир фуқаронинг тирикчилик ўтказиши учун маблағ ишлаб топишига имконият яратиш, ҳар қандай меҳнатни эса ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнат қилишга ўз эрки билан розилик билдириш каби ҳуқуқларни амалда ва ҳаётда қўллаш учун тадбирлар мажмуасини амалга оширади ва бу ҳуқуқларнинг Парламент томонидан қонунлар ва бошқа ҳужжатлар воситасида мустаҳкамланишига интилади.

Миллий тикланиш аслида оиладан бошланади. Партия оилани ҳимоя қилади. Унинг бутлиги, яшовчанлиги, бахтга қобиллиги, Ватан кишиларини етиштириш ўчоғи бўла билиш салоҳиятини қадрлайди. Партия оилаларда ишлайди. Айниқса, ишловчи оналар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳақ тўланадиган таътиллар беришни ёқлаб чиқади. Болалар ва ўсмирлар мажбурий меҳнатдан муҳофаза қилинишини кузатиб боради.

**в) Иқтисодий соҳада:**

«Миллий тикланиш» партияси мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини янада авж олдириш, ҳуқуқий давлат доирасида либерал руҳдаги иқтисодиётни барпо этишни тараққиётнинг энг мувофиқ йўли деб қарайди. Жамиятнинг иқтисодий тизимини мулкчиликнинг турли шакллари, иқтисодий демократия ташкил этади; истеъмолчи, хусусий тадбиркор, бозор ва рақобатнинг суверенлигини, бунда миллий анъаналар ва хусусиятлар ҳам сақланишини жорий этиш долзарб иқтисодий вазифалардан биридир.

Шу билан бирга, партия бозор муносабатлари жараёнлари натижаларини ижтимоий сиёсат талабларидан келиб чиқиб мувофиқлаштириш сиёсатининг тарафдоридир.

Партия эркин ва демократик иқтисодиётга ўтиш мақсадларида:

— жаҳон бозорига интеграцияни кучайтириш учун фермерлар, ишбилармонлар, тадбиркорларга эркин иқтисодий макон яратиш учун ҳаракат қилади. Мамлакат шароитидан келиб чиқиб ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, ўртаҳол табақаларнинг мустаҳкамланиб, бўлажак жамиятнинг асосини ташкил этиши учун партиянинг имкониятлари даражасида чора-тадбирлар кўради;

— хусусий ва шахсий секторнинг ривожланиши учун тўсиқ бўлиб турган бюрократия, таъмагир амалдорлар, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига мухолиф нуқтаи назардаги мафкуравий қарашларга қарши демократик йўллар ва услублар билан кураш олиб боради, ўрта табақаларнинг манфаатларини партия дастурий мақсалларида ифода этади ва унинг бажарилиши учун ҳаракат қилади;

— узоқ муддатли мақсадларга асосланган ишончли айирбошлаш ва имкониятларни таъминлаб туриш мақсадларида барқарор пул ва валюта тизимини барпо этишни таклиф этади;

— иқтисодиёт соҳасида атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайдиган технологиялар, корхоналар ва хўжаликларнинг кўпайишига, илдиз отишига муҳим аҳамият беради, бозор муносабатлари самарадор ва барқарор бўлиши учун инфраструктурани ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратади;

— ишсизликнинг олдини олиш мақсадларида маҳалла, қишлоқ ва бошқа аҳоли зич жойларда маҳаллий шароитлар ва бозор талабларини ҳисобга олиб кичик бизнесни ривожлантиришни зарур деб ҳисоблайди, хусусий ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, уларни ҳимоялаш мақсадларида ҳукумат олдига таклифлар ва тавсиялар билан чиқади;

— қишлоқдаги деҳқоннинг ерга нисбатан хусусий эгалик тушунчасининг қарор топишига ёрдамлашиш, унинг ишлаб чиқарган маҳсулотидан олинадиган даромад ва фойдаларга ўзи эгалик қилишига эришиш, бу маҳсулотларга нисбатан харидорлар топишда унга мустақиллик бериш, деҳқонларнинг иш ҳақлари ва маҳсулотларини сотишдан келадиган маблағлари қатъий ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиб боради, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун Олий Мажлис сессияларига ва давлат органларига ташаббуслар билан чиқади.

**Иқтисодиёт соҳасидаги яқин вазифалар:**

— бозор муносабатлари иқтисодиётига ўтишни туғаллаш;

— мулкни хусусийлаштиришдан иқтисодиётни демократлаштириш ва эркинлаштиришга ўтиш;

— иқтисодиётдаги давлатнинг ролини, унинг иқтисодиётга таъсирини бозор қонун-қоидаларига тўсқинлик қилмайдиган меъёрларга келтириш;

— меҳнат унумдорлиги ва аҳоли бандлигини ошириш ҳисобидан ишлаб чиқаришнинг барқарор юксалишини таъминлаш, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни дунёдаги ривожланаётган мамлакатлар даражасига етказиш;

— аҳолининг истеъмоли даражасини кескин кўтариш ва уни ривожланаётган мамлакатлар даражасига етказиш, қашшоқлик даражасини камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни тирикчилик минимуми билан таъминлаш.

**XXI аср бошларидаги вазифалар:**

— янги асрда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришда чуқур структуравий ўзгартиришларни амалга ошириш;

— миллий иқтисодни жаҳон иқтисоди билан интеграциялашга эришиш, мамлакатнинг экспорт потенциалини кескин ошириш;

— меҳнат унумдорлигини юксалтириш асосида мамлакат иқтисодий салоҳияти имкониятларини ишга солиб, миллий иқтисодий ривожланиш даражасини дунёнинг иқтисодий ривожланишининг ўртача даражасига етказишга эришиш.

**Стратегик вазифалар:**

— Ўзбекистон иқтисодини ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқишга эришиш;

— Ўзбекистон иқтисодиётидаги технологик ўзгаришлар жараёнига ялпи тус бериш;

— аҳоли истеъмоли даражасини ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига етказиш;

— партия стратегик вазифаларни рўёбга чиқариш жараёнларида асосий устуворликни долзарб ва яқин мақсадларни бажаришга қаратади;

— ўтиш ислоҳотлари ўз ниҳоясига етиб борган сари давлатнинг бош ислоҳотчилик функцияси барҳам топиб боради. Бозор иқтисодиётига ўтиш тўла амалга ошгач, иқтисодиётнинг ўзини ўзи мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тамойилларига устуворлик берилади;

— иқтисодиётни ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобига давлатнинг мувофиқлаштириб туриш функцияси бозор муносабатларининг ўз-ўзини бошқариб туриш тамойилининг бир қисми бўлиб қолади.

**г) Маънавият соҳасида:**

● Партия ўзбек халқининг маънавий-маданий меросига, миллий бадиий-фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тафаккурига, имон, адолат, эътиқод қадриятлари ва комил инсонни шакллантириш ғоя ва анъаналарини қайтадан тиклашга ҳаракат қилади.

● Миллий давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини назарда тутиб, партия ўзининг бутун куч-ғайратини келажаги буюк бўлган Ўзбекистонни барпо этувчи маънавиятли, маърифатли, маданияти юксак авлодларни шакллантиришга қаратади.

● Партия маънавий-маданий тажриба ва миллий анъаналарни ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти тамойиллари талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий дунёқараш ва ўзликни англашнинг замонавий қадриятларини шакллантиришга, миллий истиқлол мафкурасини миллатни бирлаштирувчи кучли ва таъсирчан омилга айлантиришга интилади.

● Миллат руҳиятини маънавий қуллик, давлатга ва жамиятга бегоналик, боқимандалик, ижтимоий пассивлик, ташаббуссизлик, қўрқув каби салбий иллатлардан поклаш, ҳар бир фуқаронинг фикрлаш ва ижодий эркинлигига шароит яратиш.

● «Миллий тикланиш» партияси маънавий-маърифий соҳанинг миллий ва умумбашарий қадриятларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берган ҳақ-ҳуқуқлар, меъёрлар, шунингдек, бошқа қонунлар мажмуи доирасида қуйидаги асосий йўналишларини белгилайди:

— ҳар бир шахс ва халқда Ватаннинг истиқлоли ва истиқболига масъуллик, ер-сув, моддий-маданий бойликлар, миллий қадриятларга эгалик руҳиятини шакллантириш;

— фуқароларда ўз халқининг қадру қиммати, ор-номусини эъзозлаш, уларни ҳимоя этиш, фидойилик, миллий ғурур ва шижоат фазилатларини юксалтириш, жамиятдаги барча миллатларнинг тенглиги, ҳуқуқий кафолатланганлигига эришиш, миллат ва Ватан учун масъулликни янада ривожлантириш;

— ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий иштирокларини маънавий қадриятлар асосида кечишини таъминлашга ҳаракат қилиш, демократик қадриятлар, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни миллий ўзига хослик билан уйғунлаштириш ва уларни маънавий қадриятлар даражасига кўтариш;

— миллий маънавият ва маданиятга доир меросни ўрганиш, уларни ҳозирги давр ёшларига сингдириш, уларни янги дунёвий қадриятлар билан муштарак бўлишини таъминлаш;

— миллий тикланишнинг асосини миллатнинг эркин фикрлаши, унинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳаётда мустақил бўлиши, ҳар бир фуқаронинг ўз нуқтаи назарига, ўзи ихтиёр этган мафкурасига эга бўлиши, уларнинг фақат қонунларгагина бўйсуниши ва итоат этиши деб билиш, шунингдек, бу қадриятларни изчиллик билан босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб бориш;

— комил инсон ҳақидаги ғоялар ва таълимотни кенг тарғиб этиш, уни миллий маънавиятимиз ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қараш, шунингдек, бу қадриятларни замонавий ва демократик ҳаёт тарзи ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш;

— миллий кадрлар тайёрлаш дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни амалга оширишда халқ таълими органларига ёрдам бериш, унинг мафкуравий йўналишларини бажаришда фаол иштирок этиш;

— миллий тилни маънавият ривожининг асосий омилларидан бири деб қараш, унинг давлат тили сифатидаги халқаро муносабатлар, илмий, бадиий, ҳаётий муомала, ўзаро алоқа ва бошқа барча соҳаларда янада кенг қўлланилишига эришиш учун ҳаракат қилиш, айни пайтда шу соҳаларда унинг тарихий мазмуни ва шаклий жозибаларини тиклаш, давлат тилини умуммиллий бирдамлик манбаи ва рамзига айлантириш;

— мамлакат ҳудудида ва хорижий мамлакатларда ватандошларимиз томонидан яратилган маданият ёдгорликларини ягона маънавий замин ҳосиласи сифатида баҳолаш, жаҳоннинг турли мамлакатларига чиқиб кетган миллий маданий меросимиз намуналарини уларнинг асл ватани — Ўзбекистонга қайтариш масаласини ҳал этиш учун ҳаракат қилиш.

**д) Жамоат ташкилотлари ва давлат органлари билан ҳамкорлик соҳасида:**

«Миллий тикланиш» партияси ўз фаолиятини жамият сиёсий тизимига кирувчи барча давлат ва давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари билан ошкора, тенг ҳуқуқлик асосда ўзаро ҳурмат ва фикрларнинг хилма-хиллигини ҳурмат қилиш асосида йўлга қўяди.

Партия «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурига амал қилади. Бу борада у ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

— партиянинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси «Миллий тикланиш Ўзбекистон миллий мустақиллигининг асосидир» ҳаракат дастурига амал қилади;

— давлат ҳокимиятининг барча даражаларида кадрларни бошқарув ишларига сафарбар қилиш фақат демократик сайловлар воситасида бўлиши учун ҳаракат қилади;

— миллий армиядаги аскарлар ва зобитлар дунёқарашининг Ватанга муҳаббат, садоқат ғоялари асосида шаклланишига доир тадбирлар мажмуасини амалга ошириб боради;

— ирқий, миллатчилик, мустамлакачилик, диний айирмачилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, турли шаклдаги экстремизм, ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш олиб боради;

— оммавий ахборот воситаларининг эркин, демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун ҳар томонлама кўмаклашади.

**е) Баркамол ёшларни шакллантириш соҳасида:**

Партия миллий истиқлол мафкурасини ўз қарашларида ифодалайдиган, ўз фикрлаш ва шахсий ҳаётида миллий маънавият қадриятларига садоқатли, ўз мустақил фикрлаш руҳиятига эга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган баркамол ёшларни шакллантиришга интилади.

Партия болалар ва ўсмирлар ўртасида миллий бирлик, миллий давлатчилик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш соҳасида фаолият кўрсатаётган барча жамоат ташкилотлари, жамғармалар, таълим тизими органлари, фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорлик қилади. Ёшлар ўртасида миллий истиқлол мафкураси, миллий маънавият ва маданият, миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни кенг ташвиқот ва тарғибот қилади. Уларнинг ҳар томонлама миллий дунёқарашга эга бўлишлари учун чора ва тадбирлар кўради.

Партия ёшлар ўртасида ишсизликни бутунлай йўқотиш, ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, улар ўртасида спорт, турли миллий ўйинлар, бадиий-маърифий тадбирлар ўтказиш, шу мақсадларни амалга ошириш учун партиянинг ёшлар қаноти — «Миллий уйғониш» ташкилотини тузиш, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятларини юксалтириш, уларни жамиятни бошқариш учун кенг сиёсий иштирокини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Партия ўз сафидаги ва унга хайрихоҳ бўлган ёшларни давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий бошқарув фаолиятларида кенг иштирок этишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Давлат ва жамиятни бошқарув органларида кўпроқ янгича фикрлайдиган ёшлар бўлиши учун ҳаракат қилади. Бу соҳадаги муаммолар юзасидан давлат органларига таклифлар ва тавсиялар, ташаббуслар билан чиқади.

Ёшларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги давлат томонидан кафолатланиб, уларнинг илмий ва техникавий ривожланишдаги ижодий иштирокларини рағбатлантиришга муҳим эътибор қаратади.

# Тожикистон халқи ўз иродасини ифода этди — И.Раҳмонов Тожикистон Президенти лавозимига қайта сайланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бирмунча вақт илгари, Тожикистон Ислом Уйғониш партияси қурултойида Тўражонзода И.Раҳмоновнинг президентлик лавозимига сайланишини қўллаб-қувватлади ва бу ишини "мамлакатда тинчликни сақлаш мақсадида" қилгани билан изоҳлади. Унинг фикрича, "мамлакатда яқиндагина бир-бири билан жанг қилган кўп сонли қуролланган гуруҳлар сақланиб турган бир шароитда, фақат ҳозирги президентгина барқарорликни таъминлаши ва тинчлик жараёнининг давом эттирилишини кафолатлаши мумкин". Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, шунингдек, "Тожикистон Ислом Уйғониш партияси етакчисининг ультиматив тарздаги кескин позицияси, хусусан, Миллий Ярашув Комиссияси фаолиятини путур етказиш йўлига буриш, сайловнинг бойкот қилиниши - мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юбориши ва тинчлик жараёнини хавф остига қўйиши мумкин",- деди.

Воқеаларнинг бу тариқа ривожланишидан ташвишга тушган Мулоқот гуруҳи БТМ томонидан Миллий Ярашув Комиссияси фаолиятининг бойкот қилиниши мобайнида - 25 ва 26 октябрда ҳар икки томон - БТМ ва ҳукумат иштирокида икки марта учрашув ўтказди. Мулоқот гуруҳи ўз позициясини қуйидагича изоҳлади: президентлик сайлови Умумий битимга, бинобарин, Мулоқот гуруҳи мандатига киритилмаган.

Парламент сайлови Умумий Келишув ва Миллий Ярашув Комиссияси фаолиятининг якунловчи босқичидир. Бундан сўнг Мулоқот гуруҳи БТМни бойкотдан бош тортиш ва Миллий Келишув Комиссиясидаги фаолиятини давом эттиришга ундади. У, шунингдек, ҳар икки томонга Умумий битимни бажаришга тайёрлигини билдирувчи Меморандум қабул қилишни тавсия этди. Бунда қайд этилдики, Умумий Битимга мувофиқ, Миллий Ярашув Комиссияси ишчи гуруҳи томонидан келгуси йилнинг феврал ойига белгиланган республика парламентига сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланади.

Вазият кескинлашганлиги муносабати билан 29 октябрда Мулоқот гуруҳи навбатдан ташқари мажлис ўтказди. Мажлисда Мулоқот гуруҳи томонидан эндиликда тинчлик жараёнини президентлик сайлови туфайли юзага келган кескин ҳолатдан олиб чиқиш масаласи муҳокама қилинди. Шу муносабат билан БМТ Бош Котибининг Махсус вакили Иво Петров Мулоқот гуруҳига ҳар икки томонга И.Раҳмонов ва С.А.Нурий ўртасида учрашув ўтказишни тавсия этишни таклиф қилди. Бу борада қабул қилинган қарорда махсус қайд этилдики, "бунда президентлик сайлови туфайли бошқа манфаатларнинг кўзланиши" эмас, балки тинчлик жараёни давом эттирилиши ва белгиланган муддатда парламент сайловлари бўлиб ўтгач, уни мантиқий ниҳоясига етказишдан иборат бўлиши керак.

Шундай қилиб, Тожикистонда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Халқ ўз иродасини ифода қилди, демак, сайловнинг қонунийлиги шубҳа туғдирмайди. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, мавжуд қонунчиликка риоя қилинди. И.Раҳмоновга муносиб рақиб топилмаганига эса, кўп жиҳатдан қонунчиликка риоя этмаган даъвогарларнинг ўзлари айбдор.

Шуниси ҳам равшанки, мухолиф партиялар мамлакатда бўлиб ўтган президентлик сайловининг "ноқонуний"лигини исботлашга ҳаракат қилади. Бунда улар Тожикистондаги ҳозирги вазият анчагина безовта қилиб қўйган бузғунчи кучлар ҳамда халқаро ташкилотларга мурожаат қилади. Бундай мураккаб ва хавфли вазиятда ғолиблар бўлмайди.

Ишонгимиз келадики, Тожикистондаги сиёсий ўйинлар ниҳоясига етмоқда ҳамда Тожикистон ҳукумати ўз ҳудудини жангари ва террорчилардан тозалай бошлайди. И.Раҳмонов шуни яхши тушунадики, бу террорчилар яқиндагина Тожикистоннинг қонуний тузумига қарши курашган, қирғиз халқи бошига кўп кулфатлар солган, ўзбек халқининг нафратини уйғотган эди.

Хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг хабарига қараганда, Тожикистон Президенти И.Раҳмонов илгари дала командирлари бўлган, ҳозирги пайтда эса ҳукумат вакиллари сифатида фаолият кўрсатаётган кишиларни жиноятчи тўдалар раҳбарларига ультиматум тақдим этиш учун мамлакатнинг шарқий туманларига жўнатган. Тожикистон раҳбариятининг кўрсатмасига биноан, барча жиноятчи ва террорчи тўдалар, жумладан, Тожикистоннинг ҳукумат қўшинлари сафига жалб этилмаган Бирлашган тожик мухолифатининг собиқ жангчилари мамлакатни шу йил 10 ноябрига қадар тарк этиши лозим. Бу маълумотларга қараганда, Тожикистон Ислом Уйғониш партияси раҳбари С.Нурий қўшни мамлакатлар ва Россиянинг ҳамкорликда кескин ҳарбий операция уюштириши эҳтимоли борлигидан хавфсираб, ўзининг жангариларига вақтинча Афғонистонга чекиниш ҳақида буйруқ берган.

Ахборот агентликлари тарқатаётган маълумотларга қараганда, Тожикистон ҳукуматининг бу саъй-ҳаракатларига қарамасдан, Қирғизистон жанубида қонли из қолдирган террорчиларнинг маълум қисми мамлакатнинг шарқий туманларида қолмоқда. Эҳтимол, наркотрафикларнинг иш қобилиятини қўллаб-қувватлаб туриш учун маълум даражадаги "жанговар кузатувчилар" керак бўлади. Бундан ташқари, Президент сайлови якунларидан норози бўлган Тожикистон Ислом Уйғониш партияси раҳбарияти ҳар эҳтимолга қарши, қуролланган ҳамсафларининг бир қанчасини "қўлтиғи"да сақлаб турмоқчи.

Шу йил октябр ойи охирида ўтказилган Мулоқот гуруҳи мамлакатлари вакиллари билан учрашувда И.Раҳмонов С.Нурийга Бирлашган тожик мухолифати мамлакатнинг мухолифат назорат қилиб турган шарқий туманларидан барча жиноятчи ва террорчиларни чиқариб юбормас экан, уларни Ўзбекистон ва Қирғизистон қўшинлари кўмагида йўқ қилиб ташлаши ҳақида кескин баёнот берган эди.

Ҳозир И.Раҳмонов яна етти йил муддатга мамлакат Президенти этиб сайланди. Энди яна, илгари бир қанча марта бўлганидек, конституциявий бурч ҳамда Президентлик ваколати унга Тожикистон заминида муқим бўлиб қолган барқарорлик ва хавфсизликка бўлган таҳдидни бартараф этиш имконини беради. Кўп асрлик тарих ва маданиятга эга бўлган тожик халқи тинчлик билан бунёдкор ҳаёт кечиришга ҳақли, албатта. Шунинг учун ҳам бу мамлакат фуқароларининг кўпчилиги И.Раҳмоновга овоз берди. Янги Президент ўз халқининг ишончини оқлаши лозим. Унинг байналмилал бурчи эса минтақа хавфсизлигига солинаётган хавфга қарши курашни тақозо этади. Бу гал И.Раҳмонов Тожикистон ватангадолар уясига, Интерпол томонидан қидирилаётган жиноятчи террорчилар бошпана топадиган жойга айланиб қолмаслиги учун барча ишни қилишига ишонгимиз келади. Унинг бу ёвузлик билан ҳисоб-китоб қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари ана шундай умид туғдиради. Биз Тожикистонни энг аввал тинчлик ва бунёдкорлик ўрнатилган давлат сифатида кўрамиз. Чунки қўшни мамлакатдаги хавфсизлик ва барқарорлик Ўзбекистондаги хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Республика раҳбарияти бугунги кунда Марказий Осиё учун энг катта хавф бўлган диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши қатъий ва кескин позицияда турибди.

Президент Ислом Каримов Москвада чиқадиган "Время МН" газетасига берган интервьюсида бу хусусда шундай деган эди: "Мени душманнинг ташқи томондан бостириб кириш хавфи эмас, ёш йигитларнинг бошини айлантириб, уларга "таълим" берадиган плацдарм ва базаларни барпо этиш учун диний экстремизмнинг зўрлаб киритилиши ташвишга солади..." ҳамда давом этган эди: "...энг даҳшатлиси шундаки, бу хавф чегара билмайди, у бир давлат, айтайлик, бизнинг жанубий қўшнимиз назорати остида бўлмаган экстремистик марказлардан келиб чиқади..."

Ўзбекистон Республикаси вакилининг октябр ойи охирида Мулоқот гуруҳини ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний ҳолда бўлган ҳамда Тожикистон Республикасидаги тинчлик жараёни учун жиддий хавф туғдираётган жиноятчи тўдаларни қурол ишлатиб, террорчилик билан шуғулланиш фактларига ниҳоятда жиддийлик билан қараш лозим эканига даъват этгани ҳам Ўзбекистон Президентининг мана шу фикрларидан келиб чиқади, деб қараш керак.

Президент сайлови ўтказилиши муносабати билан мамлакатда вазиятнинг кескинлашуви Тожикистондаги маълум кучлар яқин орада ўз мақсадларига, жумладан, мамлакат ташқарисидан "шивирлаб" турилган мақсадларга эришиш учун ҳукуматга куч ўтказиш йўли билан таъсир қилиш "тажрибаси"дан қайтгани йўқ, қайтиш нияти ҳам йўқ, деган фикр уйғотади кишида. Бу, аввало, террорчиларнинг муқаддас дин ниқобига беркиниб, ҳозир мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлган ҳомийларига тегишлидир. Бу ўринда уларнинг бугун ҳам, яқин келажакда ҳам кучининг асосий омили - пул, қурол ва истаган пайтда фойдаланиш мумкин бўлган одамлар экани ҳисобга олинмоқда. Унутмаслик керакки, бунинг оқибати янада кенгроқ минтақавий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Юқорида зикр этилган интервьюда давлатимиз раҳбари бугунги кунда халқаро террорчилик марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетганини айтган эди. Доғистон, умуман, Россияда, шунингдек, Қирғизистон жанубида юз берган машъум воқеалар бунинг исботидир. Бу воқеалардан қуйидаги хулоса келиб чиқади: Ўзбекистон халқаро террорчиликка қарши курашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиқиб, ўз ҳудудини халқаро меъёрлар доирасида барча воситалар билан ҳимоя қилади.

Яшаш, тинч ва бунёдкор ҳаёт кечириш ҳуқуқи ҳар бир фуқаро, сайёрамизда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг муқаддас ҳуқуқидир. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат мамлакат, унинг фуқароларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун қайси мамлакатдан таҳдид солинаётганидан қатъий назар, ҳар қандай хавф-хатарга қарши барча восита ва усулларни қўллаган ҳолда қарши курашиши керак.

Бизнинг ҳукуматимиз ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш, жиноятчи ва террорчилик гуруҳларига зарба бериш, уларни таг-томири билан йўқотиш ҳамда барча қурол-яроғ ва ўқ-дори манбаларидан маҳрум этишга аҳд қилган. Биз тинч ҳаётимизни бузмоқчи бўлиб, биқинимизда турган хавф-хатарга чидаб туришга тоқат қилолмаймиз. Мамлакат хавфсизлиги, бизнинг келажакка қурган режаларимиз ва халқимиз ҳамда келажак авлод олдидаги бурчимиз шуни тақозо этади.

**Қодиржон ЙЎЛДОШЕВ.**
**(ЎзА).**

**Борди-ю, мен сайлов бюллетенини бузиб қўйсам, овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинмайманми?**

**Б. ЭРГАШЕВ.**
**Қўқон шаҳри.**

Йўқ, маҳрум қилинмайсиз.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасида қайд этилганидек:

*«Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра, янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим».*

## САВОЛ ? ЖАВОБ

**Саломатлиги туфайли сайлов участкасига кела олмайдиган фуқаролар қандай овоз берадилар?**

**З. АБДУМАЖИДОВА.**
**Бекобод тумани.**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига кўра:

*«Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра, комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади».*

